



## ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ХОТИН ҚИЗЛАРГА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ДОЛЗАРБЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА.

**Хўжайева Дилдора Дилмурод қизи**

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги  
Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси курсанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7673681>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-fevral 2023 yil  
Ma'qullandi: 20-fevral 2023 yil  
Nashr qilindi: 24-fevral 2023 yil

### KEY WORDS

Ислол феминизми, тазйиқ, хуқуқий ҳимоя, таъсир чоралари, реабилитация, ижтимоий ҳимоя, хотин-қизлар, гендер тенглик, зўравонлик, жинсий зўравонлик, босим, жамиятдан ажратиш, аёллар.

### ABSTRACT

Мақола ҳозирги кунда айрим тоифадаги хотин қизлар хуқуқларининг етарлича таъминланмаётганлиги, уларга нисбатан турли кўринишдаги тазйиқ ва зўравонликлар содир этилиш ҳолатлари ҳамон давом этаётганлигини инобатга олган ҳолда, замонавий оламда оммалашиб бораётган ислол феминизми қанчалик фойда бераётганлиги тарғибот ташвиқот ишларининг жадаллашуви ҳамда хотин қизларга хуқуқий моддий ижтимоий маънавий руҳий ёрдам бериш ва уларни реабилитация қилиш даволаш ва бошқа ҳимоя чораларини механизмини кучайтириш улардан жиноят содир этиш ёки яшириш ёхуд уларни турли кўринишларда эсплутация қилинишининг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар тизимини ўз ичига олган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин қизлар ва уларнинг ҳақ хуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўла ҳимоя қилиш ва жамиятга сингдириш билан боғлиқ амалга оширилаётган ислохотлар диққатга сазовордир. Хусусан мамлакатда хотин-қизларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, ҳозирги давлат сиёсатининг асосий мақсадига айланди.

Аёл табиатан нозик яратилган ҳилқат. Шунинг учун аёлга эътибор-келажакка эътибор деб бежизга таъкидланмайди. Аёл фарзандларини дунёга келтиради. Фарзандга қилинган ғамхўрлик ва ҳар бир берилган билим, тарбия ва маънавият келажакка, ватан тараққиёти учун хизмат қилади.

Бироқ шу билан бирга, айни пайтда айрим ҳолларда хотин-қизларга қилинаётган зўравонлик тажовуз тазйиқ хотин қизларга нисбатан ижтимоий моддий жинсий маънавий руҳий иқтисодий зўравонликдан жабрланган аёллар сони биргина 1 йилнинг ўзида 40 мингга ташкил қилади. Гуруҳларга бўлинганда: 106 та жинсий, 234 та иқтисодий, **18 777 та руҳий, 13 658 та жисмоний** зўравонлик ҳамда 7 174 та тазйиқ

ҳолатлари аниқланган. Энг ёмони, зўравонлик ҳолатларининг 34 330 таси ёки 87 фоизи оилада содир этилган. Демак, бир йилда тахминан 40 мингга яқин аёл зўравонлик ва тазйиққа учраб ҳимоя ордери олишга мажбур бўляпти, уларнинг 87 фоизи ўз яқин(лар)и жабридан паноҳ сўраган.

Аслида, ҳар ой ёки бир-икки ойда бир неча марта ижтимоий тармоқларда ўғил туғмагани, кўп овқат егани ёки бошқа сабаблар билан эзилган аёллар ҳикоялари тарқалади, омма эса икки томонга ажралиб муҳокамаларга тушиб кетади. Умуман, аёллар ҳуқуқлари мавзуси нима сабаб билан кўтарилганидан қатъи назар, бу муҳокамаларни ёқтирмайдиган ва низолаарга аёлнинг ўзи ҳам сабабчи эканини уқтиришга уринадиганлар кўплаб топилади. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, аёллар реабилитациясини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Баҳодир Қаҳҳоровнинг маълумот беришича, 2021 йилнинг биринчи 3 ойида 11 070 та ҳимоя ордери берилган бўлса, 2022 йилнинг биринчи 3 ойида 13 849 та одамга ҳимоя ордери берилган. Хотин-қизлар ҳақида гап кетганда нафақат уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида балки бу муаммони қай даражада долзарблигини тушунтириб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аёллар ҳозирги пайтда ўтган йилларга нисбатан кўпроқ ҳимоя ордери олишга мажбур бўлмоқда. Ундан ташқари тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар учун махсус ташкил этилган реабилитация марказлари ҳам бугунги кунда ўз фаолиятини йўлга қўйган. Аёлларни суицидидан ҳолатларга олиб келадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Турмуш ўртоқлари томонидан калтакланиши уларнинг ижтимоий руҳий жинсий тазовузга солиниши ҳам шулар жумласидандир.

Айни пайтда халқ орасида феминизм деган атама ҳам кенг авж олди. Бу атаманинг келиб чиқиш тарихига назар соладиган бўлсак феминизм тарафдорлари гендер тенгсизлиги аҳлига аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратиб мавжуд ижтимоий муносабатларни танқид қилади. Феминистик назария гендер тенгсизлигининг моҳиятини тушунтиришга қаратилган ва сиёсат ҳокимият ва бошқа шу каби масалаларга қаратилган. Феминизмнинг келиб чиқиши 18 аср охири 19 аср бошларига тўғри келади. Феминизм аёлларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган. Масалан сайлов ҳуқуқи ўз ҳуқуқларини талаб қилиш каби ғояларни илгари суради. Феминизмнинг кўплаб тармоқлари бор. Масалан: Анархо феминизм; вуманизм; руҳий феминизм; маданий феминизм; либерал феминизм; индивидуал феминизм; эркак феминизми; моддий феминизм; радикал феминизм .

Феминизм Ғарб жамиятида кўплаб ўзгаришларига олиб келди жумладан:

Аёлларга сайловларда овоз бериш ҳуқуқини бериш; иш ҳақи бир хил касбдаги эркакларникига нисбатан кўпроқ ёки камроқ таққосланадиган касбларнинг кенг доираси;

ажрашиш учун ариза бериш ҳуқуқи;

аёлларнинг ёз таналарини назорат қилиш ҳуқуқи ва улар учун қандай тиббий аралашувлар шу жумладан турли хил дори воситаларини қабул қилиш ва хавфсиз аборт қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ёшларга оид

давлат сиёсати тўғрисида», «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган миллий дастурда хотин-қизларнинг ҳуқуқларига инсон ҳуқуқларининг ажралмас бўлаги сифатида қаралади ҳамда у «Инсон қадри учун» тамойилидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. 07.03.2022 даги ПФ-87-сон Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.
3. 15.09.2022-йилдаги Оила ва хотин қизлар илмий-тадқиқот институти илмий-амалий конференция тўплами.
4. KUN.UZ расмий интернет веб-сайти

INNOVATIVE  
ACADEMY